# ҚИШЛОҚ, ЎРМОН ВА БАЛИҚ ХЎЖАЛИГИ

2018 йилнинг январь-декабрида ишлаб чиқарилган (кўрсатилган хизматлар) умумий ҳажми 14705,4 млрд. сўмни ёки 2017 йилнинг шу даврига нисбатан 96,9 фоизни, шу жумладан, деҳқончилик ва чорвачиликда 14458,7 млрд. сўмни, овчиликда 0,1 млрд. сўмни ва бу соҳаларда кўрсатилган хизматлар ҳажмида 72,7 млрд. сўмни, ўрмончилик хўжаликларида 126,5 млрд. сўмни (102,3 фоиз), балиқчилик хўжаликларида 47,4 млрд. сўмни ташкил қилди.

**Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги маҳсулотлари (кўрсатилган хизматларнинг) ишлаб чиқариш ҳажми ҳудудлар кесимида**



**Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги маҳсулотлари (хизматларнинг) ишлаб чиқаришнинг ҳажми хўжалик тоифалари бўйича тақсимланиши**

*(фоиз ҳисобида)*




Хўжаликлар тоифалари бўйича таҳлиллар қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги маҳсулотлари (хизматларнинг) умумий ҳажмининг 76,0 фоизи деҳқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликларига, 20,2 фоизи фермер хўжаликларига ва 3,8 фоизи қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотларга тўғри келмоқда.

**Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги маҳсулотлари (хизматларнинг) ишлаб чиқаришнинг ҳажми ҳудудлар кесимида тақсимланиши**

*(вилоят ҳажмига нисбатан фоиз ҳисобида)*



**Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги маҳсулотлари (хизматларнинг) ишлаб чиқаришнинг ҳажми хўжалик тоифалари бўйича ҳудудлар кесимида тақсимланиши**

*(фоиз ҳисобида)*




**Деҳқончилик.** 2018 йилнинг январь-декабрида деҳқончилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажми 7807,9 млрд. сўмни ёки 2017 йилнинг шу даврига нисбатан 91,3 фоизни ташкил қилди. Ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг умумий хажмида деҳқончилик маҳсулотларининг улуши 53,1 фоизни ташкил этди.

**Деҳқончилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми хўжалик тоифалари бўйича тақсимланиши**

*(фоиз ҳисобида)*



Хўжаликлар тоифалари бўйича таҳлиллар қишлоқ хўжалиги маҳсулотлар умумий ҳажмининг 62,3 фоизи деҳқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликларига, 34,0 фоизи фермер хўжаликларига ва 3,7 фоизи қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотларга тўғри келади.

**2018 йилнинг январь-декабрь ойларида ишлаб чиқарилган асосий турдаги деҳқончилик маҳсулотлари**

| | Барча турдаги хўжаликлар | | шу жумладан | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | фермер хўжаликлари | | деҳқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликлари | | қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар | |
| | *минг тонна* | *ўсиш суръати, %да* | *минг тонна* | *ўсиш суръати, %да* | *минг тонна* | *ўсиш суръати, %да* | *минг тонна* | *ўсиш суръати, %да* |
| Дон экинлари | 513,1 | 81,3 | 369,7 | 76,9 | 124,7 | 86,6 | 18,7 | 2,8 м |
| Картошка | 292,8 | 106,8 | 12,9 | 82,1 | 279,4 | 108,2 | 0,5 | 178,5 |
| Сабзавотлар | 898,1 | 88,6 | 90,9 | 64,1 | 773,2 | 92,3 | 34,0 | 100,1 |
| Полиз | 241,9 | 98,8 | 40,1 | 60,7 | 200,3 | 113,5 | 1,5 | 64,7 |
| Мева ва резаворлар | 150,0 | 109,1 | 47,1 | 122,6 | 101,8 | 104,1 | 1,1 | 86,8 |
| Узум | 102,4 | 102,4 | 40,0 | 103,0 | 60,0 | 102,1 | 2,4 | 99,4 |

**Ҳосил йиғими.** 2018 йил январь-декабрь ойларида барча тоифадаги хўжаликлар томонидан 513084 тонна дон ва дуккакли дон экинлари (81,3 фоиз), 292822 тонна картошка (106,8 фоиз), 898063 тонна сабзавот (88,6 фоиз), 241881 тонна полиз (98,8 фоиз), 149962 тонна мева (109,1 фоиз) ва 102403 тонна узум (102,4 фоиз) етиштирилди.





Барча ҳудудларда деҳқончилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг ўсиши асосан деҳқон ва фермер хўжаликлари ҳисобига бўлиб, картошка ишлаб чиқариш умумий ҳажмида уларнинг улуши 99,8 фоизни, дон экинлари 96,4 фоизни, сабзавот 96,2 фоизни, полиз 99,4 фоизни, мевалар 99,3 фоизни ва узум ишлаб чиқаришда 97,7 фоизни ташкил этди.

**Асосий турдаги деҳқончилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришда хўжалик тоифаларининг улуши**




**2018 йил январь-декабрь ойларида ҳудудлар кесимида асосий турдаги деҳқончилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш *(минг тонна)***

















**Чорвачилик.** 2018 йилнинг январь-декабрида чорвачилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажми 6650,8 млрд. сўмни ёки 2017 йилнинг шу даврига нисбатан 104,8 фоизни ташкил қилди. Ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг умумий хажмида чорвачилик маҳсулотларининг улуши 45,2 фоизни ташкил этди.

2018 йилнинг январь-декабрида барча тоифадаги хўжаликларда тирик вазн ҳисобида 183,8 минг тонна гўшт (2017 йилнинг январь-декабрга нисбатан 3,5 фоизга кўп), 830,9 минг тонна сут (2,6 фоизга кўп), 413,5 млн. дона тухум (23,8 фоизга кўп) ишлаб чиқарилди.




**2018 йилнинг январь-декабрь ойларида ишлаб чиқарилган асосий турдаги чорвачилик маҳсулотлари**

| | Барча турдаги хўжаликлар | | шу жумладан | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | фермер хўжаликлари | | деҳқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликлари | | қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар | |
| | *минг тонна* | *ўсиш суръати, %да* | *минг тонна* | *ўсиш суръати, %да* | *минг тонна* | *ўсиш суръати, %да* | *минг тонна* | *ўсиш суръати, %да* |
| Гўшт, тирик вазнда | 183,8 | 103,5 | 6,3 | 90,6 | 176,4 | 104,2 | 1,1 | 88,1 |
| Соғиб олинган сут | 830,9 | 102,6 | 15,2 | 89,6 | 814,1 | 102,9 | 1,6 | 107,8 |
| Тухум, млн.дона | 413,5 | 123,8 | 96,3 | 3,2 м | 222,3 | 102,0 | 94,9 | 111,0 |
| Жун, тонна | 2341 | 98,6 | 274 | 95,8 | 1996 | 99,2 | 71 | 93,4 |
| Қоракўл тери, дона | 11236 | 142,7 | 2701 | 1,5 м | 4393 | 114,3 | 4142 | 109,2 |
| Пилла, тонна | 1515,9 | 134,0 | 1083,3 | 124,1 | - | - | 432,6 | 167,3 |

**2018 йил январь-декабрь ойларида чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш таркиби**

*(ишлаб чиқариш умумий ҳажмига нисбатан фоиз ҳисобида)*



Барча ҳудудларда чорвачилик маҳсулотлари (гўшт, сут, тухум) ишлаб чиқаришнинг ўсиши асосан деҳқон ва фермер хўжаликлари ҳисобига бўлиб, гўшт ишлаб чиқариш умумий ҳажмида уларнинг улуши 99,4 фоизни, сут ишлаб чиқаришда 99,8 фоизни, тухум ишлаб чиқаришда 77,0 фоизни ташкил этди.

**2018 йил январь-декабрь ойларида барча тоифадаги хўжаликларда чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш таркиби**



2019 йил 1 январь ҳолатига 2018 йилнинг шу даврига нисбатан йирик шохли қорамоллар 101,1 фоизга (жами 956,7 минг бошни ташкил қилди), шу жумладан сигирлар 100,1 фоизга (332,4 минг бош), қўй ва эчкилар 101,3 фоизга (2263,6 минг бош), паррандалар 111,1 фоизга (4554,4 минг бош) кўпайди.

**2019 йилнинг 1 январь ҳолатига хўжалик тоифалари бўйича чорва моллари ва паррандалар бош сони**

| | Барча турдаги хўжаликларда | | шу жумладан | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | фермер хўжаликларида | | деҳқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликларида | | қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотларда | |
| | *минг бош* | *ўсиш суръати, %да* | *минг бош* | *ўсиш суръати, %да* | *минг бош* | *ўсиш суръати, %да* | *минг бош* | *ўсиш суръати, %да* |
| Қорамоллар | 956,7 | 101,1 | 41,0 | 89,7 | 903,9 | 101,7 | 11,8 | 100,9 |
| шу жумладан, сигирлар | 332,4 | 100,1 | 14,7 | 87,0 | 315,7 | 100,8 | 2,0 | 100,0 |
| Қўй ва эчкилар | 2263,6 | 101,3 | 350,6 | 92,7 | 1867,2 | 103,2 | 45,8 | 97,7 |
| Паррандалар | 4554,4 | 111,1 | 729,6 | 212,8 | 2492,4 | 102,3 | 1332,4 | 100,9 |





Деҳқон (аҳолининг шахсий ёрдамчи) хўжаликларида йирик шохли қорамолларнинг улуши 94,5 фоизни, фермер хўжаликларида эса 4,3 фоизни, шу жумладан, сигирлар мос равишда 95,0 ва 4,4 фоизни, қўй ва эчкилар 82,5 ва 15,5 фоизни, отлар 79,3 ва 18,8 фоизни, паррандалар 54,7 ва 16,0 фоизни ташкил этди.

**2018 йил январь-декабрь ойларида барча тоифадаги хўжаликларда чорва моллари ва паррандалар бош сони** *(минг бош)*







**Қишлоқ хўжалиги ва экология статистика бўлими**

Нашр учун масъул: А.Дусназаров

Алоқа телефони: *(71) 230-85-77*

*(76) 223-06-98*